

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МУРОДОВА ЗАРИНА РАШИДОВНА

**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАЪЛИМИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
САЛОҲИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА АНИҚЛАШ МЕТОДИКАСИ
(умумий ўрта таълим муассасалари мисолида)**

13.00.02 –Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021 йил

Фан доктори(PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (PhD)

Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Муродова Зарина Рашидовна

Ахборот технологиялар таълимида интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлаш методикаси (умумий ўрта таълим муассасалари мисолида)..... 3

Муродова Зарина Рашидовна

Методика формирования и определения интеллектуального потенциала в образовании информационных технологий (на примере общеобразовательных учреждений)..... 21

Murodova Zarina Rashidovna

Methods of formation and definition of intellectual potential in education of information technologies (on the example of educational institutions).....40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....44

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МУРОДОВА ЗАРИНА РАШИДОВНА

**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАЪЛИМИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
САЛОҲИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА АНИҚЛАШ МЕТОДИКАСИ
(умумий ўрта таълим муассасалари мисолида)**

13.00.02 –Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Ped 978 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодий институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб sahifасида (www.qarshidu.uz) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мўминов Баходир Болтаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳамидов Жалил Абдурасулович
педагогика фанлари доктори, профессор
Узақов Зонр
физика математика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "10" 09 соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:180100, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+99875) 221-00-56, e-mail: kardu@mail.ru)

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (57 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:180100, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+99875) 221-00-56, e-mail: kardu@mail.ru)

Диссертация автореферати 2021 йил "28" август кuni тарқатилди.
(2021 йил "28" 08 даги 7 рақамли реестр баённомаси)



Р.Д.Шодиёв

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

И.Б. Камолов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д.
(PhD), доцент

Ж.О. Жўраев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида фан-техника тараққиёти, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқариш ва унинг келажагини белгилаб боришда инсонлар интеллектуал салоҳияти муҳимлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга дунё бўйича илм-фан ривожининг бугунги ҳолати, айниқса, бу борада ёшларга билим бериш кенг жорий этилган жамиятда турли фан соҳаларида билимларнинг тез янгиланиб бориши, таълим олувчилар олдида уларни жадал эгаллаш билан бир қаторда, мунтазам ва мустақил равишда билим излашдек вазифани қўймоқда. Жумладан, Инчхон декларацияси ва ва “Таълим-2030” халқаро таълимни ривожлантириш ҳаракат дастурида кўзда тутилган аниқ ва табиий фанлар тенденциясида таълим хизматларини виртуаллаштириш ва истиқболли таълим мега-порталларини яратиш, таълим олувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш муаммоларига назарий ва амалий ечимлар топишда информатика ва ахборот технологиялари ютуқларини кўплаб йўналишларда кенг татбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда тан олинган ва эътироф этилган илғор таълим тизимларида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришнинг бир қатор дидактик хусусиятлари ва омилларига асосий эътибор қаратилмоқда. Бунда таълим олувчиларнинг қизиқишлари, дунёқараши, ақлий салоҳияти ва ўзига хос индивидуал имкониятлари асосида таълимни ташкил этиш ва ўтказиш муҳим ўрин тутаяди. Хусусан, умумий ўрта таълимда интеллектуал салоҳиятни шакллантириш, аниқлаш жараёнини самарали ташкил этишда фундаментал, аниқ ва табиий фанлар қамровида замонавий ахборот технологияларни амалий қўллаш ҳамда улардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришда замонавий педагогик дастурий воситалар кенг имкониятлар яратади. Педагогик дастурий воситалар ўқувчиларнинг креатив фикрлаш, ижодкорлик, хотира, ташаббускорлик каби фазилатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида узлуксиз таълим тизимида ҳам бир қатор ижобий ўзгаришлар, хусусан, ушбу тизимда рақамли технологиялар ҳамда коммуникацион воситаларидан кенг ва самарали фойдаланиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. “Информатика, математика, физика, химия, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган предметларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш”¹ устувор вазифаси белгиланган. Мазкур вазифанинг ижросини амалга ошириш бораси дадавлат тилидаги компьютер дастурларининг миқдорий ва мазмуний сифатларини ошириш ва ахборот технологиялари соҳасида рақобатни кучайтириш орқали миллий дастурлаш мактабларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017й.,6-сон, 70-модда.

назардан, ўқувчиларда информатика ва ахборот технологиялари фанидан зарур ва етарли билим ҳамда кўникмалар тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини шакллантириш ва аниқлаш, таълим жараёнини педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги фармонлари ва 2017 йил 30 июндаги ПҚ-5099-сон “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз ва Ҳамдўстлик мамлакатларида таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий изланишлар олиб борилган. Шу жумладан, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг назарий-методологик ва услубий асослари мустақил ҳамдўстлик давлатлар олимларидан С.В.Зенкина, И.Г.Захарова, Е.С.Полат, И.В.Роберт, А.В, В.Г.Климов, С.А.Бешенков, А.Г.Гейн, А.В.Горячева, С.Г.Григорьев, В.А.Каймин, М.П.Лапчик, А.С.Лесневский, Н.В.Макарова, И.П.Подластый, И.Г.Семакин ва О.В.Урсова каби олимлар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида ўз аксини топиб, информатиканинг фан сифатида шаклланишига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Республикамиз олимлари томонидан узлуксиз таълим тизимида информатика ва ахборот технологияларини ўқитиш муаммоларига оид илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган. Бу борада, А.А.Абдуқодиров, М.М.Арипов, Ф.М.Зокирова, Н.И.Тайлоқов, С.С.Ғуломов, У.Ю.Юлдашев, Қ.Т.Олимов, Р.Р.Боқиев, А.Сатторов, А.Ғ.Ҳайитов, Б.Б.Мўминов, У.И.Иноятлов, Ш.Э.Қурбонов, Р.Х.Джураев, М.А.Файзиев ва бошқалар илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

Хорижий давлатларда L.Harvey, S. Shaw, R.Walraven, F.Vendkefer, P.D.Mitchel каби олимларнинг илмий мактабларида таълимда электрон ахборот ресурсларининг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Диссертация мавзуси диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Бухоро муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг АИФ 2/20 - “Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини яхшилаш” (2019-2021й) лойиҳаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади ахборот технологиялари таълимида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантириш ва аниқлаш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

умумий ўрта таълимда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш ҳолатини таҳлил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш шарт - шароитларини аниқлаштириш;

ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятни шакллантиришга мўлжалланган педагогик дастурий воситанинг ўзига хос хусусиятлари, синфлари, мезонлар ва талабларини аниқлаш;

ахборот технологиялар таълимида интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш;

ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантириш ва аниқлашга йўналтирилган топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган методикани самарадорлигини аниқлаш учун тажриба - синов ишларини ташкил қилиш ва математик статистик усул асосида аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлашда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини ахборот технологиялари таълимида интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлаш мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари ташкил қилган.

Тадқиқотнинг усуллари мақсадга эришиш ва қўйилган вазифаларниҳал қилиш учун тарихий манбаларни қиёсий ўрганиш ва танқидий таҳлил қилиш; респондентлардан анкета ва сўровномалар ўтказиш, натижаларни моделлаштириш, педагогик тажриба - синов натижаларини умумлаштириш; тадқиқот натижаларини математик - статистик (Стъудентнинг t - мезони, К.Пирсоннинг r корреляция коэффицентини аниқлаш усули) қайта ишлаш каби назарий ва эмпирик тадқиқоткомплексидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

интеллектуал салоҳият (мослашувчанлик, диққат ва хотира, абстракт ва мантикий фикрлаш, технологик саводхонлик)ни шакллантириш ва интенсив аниқлашнинг селектив дастур, IQ тестлар тизими каби технологик шарт - шароитлари умумий ўрта мактабларда “Информатика ва ахборот

технологиялари” дарсларида фойдаланиладиган интегратив, дифференциал педагогик дастурий воситаларнинг узвийлиги ва изчиллиги асосида аниқлаштирилган;

ўқувчиларнинг индивидуал ривожланиш харитасини акс эттирувчи “бошқотирма”, “мантикий компьютер ўйинлар” ва “алгоритмик масалалар” каби якка ва кичик гуруҳли ўқитиш методлари ва педагогик дастурий воситаларини кибернетик, инвариантлик ва дискретлилик тамойиллари асосида ишлаб чиқиш орқали ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантириш методикаси такомиллаштирилган;

ваззли ва шажарали ёндашув асосида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантириш ва аниқлаштиришга йўналтирилган алгоритмик топшириқлар ва муаммоли масалаларни ечишнинг функционал босқичли методик тизимини ишлаб чиқиш орқали информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишнинг ўқув - услубий таъминоти такомиллаштирилган;

ахборот технологиялари таълимида замонавий малака талаблари (дастурчи, веб саҳифаловчи, транскрибатор, иллюстратор, ижтимоий тармоқ администратори ва синовчи) ва қулай интерфейсга имкон яратадиган Scratch муҳитининг педагогик дастурий лойиҳалари асосида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини аниқлаш мезонлари (мотивацион, когнитив ва фаолиятли) ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мактаб ўқувчиларининг интеллектуал салоҳиятини кузатувчанлигини, хотира, фикрлаш, ташаббускорлигини ривожлантиришда янги материални ўрганиш ва мустаҳкамлаш, билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга имкон берувчи топшириқлар тизими ишлаб чиқилган;

умумий ўрта таълимда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш жараёнида педагогик дастурий воситаларнинг компьютер техникаси (электрон қурилма) ва операцион тизимга бўлган талаблар, ўқитувчи ва ўқувчиларга қўйиладиган талаблар, унинг алгоритмлашга оид ускуналари ва имкониятларидан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

умумий ўрта таълим ўқувчилари интеллектуал салоҳиятини шакллантириш ва аниқлаш учун “Scratch muhitida dasturlash” номли ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилди ва амалда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўплами, ОАК рўйхатидаги журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография, ўқув қўлланма, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган методика, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштириш, таълим жараёнида замонавий ахборот ва педагогик

технологияларини жорий этиш ҳамда ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантириш ва аниқлаш методикасини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумий ўрта таълим мактабларида “Информатика ва ахборот технологиялари” ўқув фани мазмунини ҳамда ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш, замонавий ўқув-методик таъминотни яратиш ҳамда ўқитишнинг илғор таълим технологияларини ишлаб чиқиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ахборот технологиялар таълимида интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлаш методикасига оид тадқиқот натижалари асосида:

ваззли ва шажарали ёндашув асосида таълим олувчиларнинг интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлашга йўналтирилган топшириқлар (IQ тестлар банки, алгоритмлаш муаммоли масалалар)га оид таклифлардан АИФ 2/20 - “Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини яхшилаш” мавзусидаги халқаро лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 декабрдаги 89-03-5282-сон маълумотномаси). Натижада таълим олувчиларнинг интеллектуал салоҳиятни шакллантиришнинг индивидуал ёндашув тамойилларини ва усулларини такомиллаштириш имконини берган;

интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлашга йўналтирилган педагогик дастурий воситалар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, интеллектуал салоҳиятга йўналтирилган топшириқ ва масалаларни ишлаб чиқиш механизми ҳамда якка ва кичик гуруҳли ёндашиш ва фойдаланиш методикасидан Эрасмус Плюс дастури доирасида ECCUM халқаро лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 декабрдаги 89-03-5282-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлаш методикасининг самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммоси, интеллектуал салоҳиятни шакллантиришнинг индивидуал ёндашиш воситалари, усуллари ва методикасини ишлаб чиқиш таълим концепциясида ўз аксини топган “Scratch muhitida dasturlash” номли ўқув қўлланмаси (Республика таълим маркази қошидаги “ИАТ” йўналишининг онлайн 3 - сонли илмий-методик кенгаш йиғилиши баённомаси) мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 декабрдаги 89-03-5282-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятни шакллантиришнинг индивидуал ёндашув тамойиллари, усуллари такомиллаштирилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 2 таси хорижий, 5 таси республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ахборот технологиялари таълимида интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлашнинг асослари”** деб номланган бўлиб, таълим тизимида интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлашнинг назарий асослари, усул ва услубларига бағишланган. Дунёда жуда кўплаб интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлашга доир таълимий ресурсларни синфлаштирилган ҳолда учратиш мумкин. Масалан, testometrika.com, globalintelligentsia.com веб порталлари. Республикамизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, айниқса, умумий ўрта таълим мактабларидаги ўқув жараёнини самарали ташкил қилиш ва ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини кенгайтириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Компьютер техникаси **“Информатика ва ахборот технологиялари”** предмети иштирокчилари гуруҳига киритилмоқда, бу эса предметда элементнинг таъсири борлигини билдиради ҳамда ўқувчининг интеллектуал салоҳиятини шакллантириш ва уни аниқлашдаги энг зарурий иштирокчиси бўлиши мумкин.


Умумий ўрта таълимдаги ахборот технологиялари таълими, яъни ҳозирдаги **“Информатика ва ахборот технологиялари”** фани ҳамда бошқа фанларнинг элементларини 1 – расмда келтирилган.

Илмий – услубий тадқиқотларнинг таҳлиллари ва етакчи педагогик олимларнинг фикрлари асосида ахборот технологиялари таълимига оид фан ўқитувчисининг 2 та касбий компетентлиги, базавий ва предметга йўналтирилган бўлиши шарт.



1-расм. “Информатика ва ахборот технологиялари” предмети элементлари.

Шу нуқтаи назардан караганда, умумтаълим мактаб битирувчиларида ахборот технологиялари таълими асосида куйида келтирилган бўлажак касб – ҳунарга эга бўлиш талаблари қўйилган: саҳифаловчи, шахсий ёрдамчи, копирайтер, call –марказ оператори, транскрибатор, расом – иллюстратор, ижтимоий тармоқ администратори, youtube – мутахассиси, software tester – синовчи, SEO – мутахассиси. “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг асосий билимларига математика, тилларни билиш, рақамли саводхонлик, вақтни бошқариш, жамоада ишлаш қобилияти ва мантиқий фикрлашга асосланган интеллектуал салоҳият лозим бўлади (2-расмга қаранг).



2-расм. Ахборот технологиялари таълимида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳияти таркибий тузилмаси.

“Интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлашга йўналтирилган педагогик дастурий воситалар” номли бобда педагогик дастурий воситаларни яратиш ва ундан фойдаланиш воситалари 3 гуруҳга бўлиб кўрсатилган, булар қуйидагилар техник воситалар, дидактик воситалар, дастурий воситалар. ПДВ(педагогик дастурий восита)ни яратиш, фойдаланиш воситалари асосида ва методик адабиётларда бир қатор талаблар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотларнинг таҳлиллари шуни кўрсатдики, таълим тизимида интеллектуал ёндашувни 2 га бўлиб ўрганиш назарда тутилган:

1. Ўқувчиларнинг шахсий ва жамоавий интеллектуал салоҳиятини шакллантиришга йўналтирилган интеллектуал ёндашув.

2. Фан ўқитувчисига ёрдамчи сифатида, ўқувчиларнинг билими ва амалий кўникмаларини шакллантириш ва аниқлашга йўналтирилган интеллектуал ёндашув.

Умумий таълим тизимида ўқувчилар билимларни ёдлаб эмас, амалда бажариш орқали эслаб, мустаҳкамлаб бориш ўқувчиларга ҳар қандай билимни бериш учун аниқ ўргатиш воситасини танлаш лозим.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ахборот технологиялари таълимида интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлаш методикаси**” деб номланган бўлиб, интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлашга мўлжалланган педагогик дастурий воситанинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилди.

Ушбу бобда интеллектуал салоҳиятга йўналтирилган топшириқлар ишлаб чиқиш механизмини яратиш қуйидаги хусусиятларга боғлиқ деб ҳисоблаймиз:

- боб бўйича мавзуларнинг узвий кетма-кетлиги;
- топшириқлар ва уларга қўйиладиган талаблар;
- ПДВ ва назарий амалларнинг боғлиқлиги;
- топшириқларни ишлаб чиқиш услуби;
- топшириқлар вазнини аниқлаш ва амаллар устуворлиги.

Бу хусусиятларни қаноатлантирувчи даражаси интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлашга хизмат қилади. Айнан бунда бир ёки иккита боб бўйича топшириқлар ишлаб чиқиш услубини яратиш мумкин.

Талаблар асосида масала ва топшириқларни тузиш мумкин, аммо интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлаш учун яна икки хусусиятли, вазнли ва шажарали топшириқларни қарашимиз керак.

1. Топшириқ вазни – бу топшириқнинг қийинлик даражасини билдирувчи бир хусусиятидир. Вазн асосида ўқувчининг салоҳиятини, топқирлигини, тезлигини аниқлаш мумкин.

2. Топшириқ шажараси – олдинги топшириққа боғланган (қисман боғланган) топшириқ хусусияти тушунилади. Шажарали топшириқ ўқувчининг қонуният топиш, мустақил фикрлаш, эслаш, олдинги тажрибани жорий қилиш каби кўникмаларни шакллантиради ва мустаҳкамлайди.

Интеллектуал салоҳиятни шакллантириш методикасини ишлаб чиқишда умумтаълим мактабларнинг ахборот технологияларига оид 9–синф “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда ишлаб чиқилган талаблар, таклиф қилинган Scratch дастури ва топшириқларни яратиш механизмлари умумтаълим мактабининг алгоритмлаш бобга доир машғулотларида фойдаланиш тизимли амалга оширилди.

8–9– синфларда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан дарсларда интеллектуал салоҳиятни шакллантиришнинг якка ва кичик гуруҳли ёндашув асосида ўқитиш методикасини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнини 3 – расмдаги моделда тасвирланган.

Тадқиқотлар натижасида интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлаш учун ПДВларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагича бўлиши лозим:

- ўқувчиларнинг билим ва кўникмаси учун қўйилган масалани ечишга имкон берувчи муҳит;


- масалани ҳал қилиш учун ускуналар ва функционал бўйруқлар мажмуи; масаланинг ечимини лойиҳа сифатида сақлаш, ўзгартириш киритиш ва натижалар таҳлилини кўриш; масаланинг ечимини олиш учун ускуналарнинг синфлаштирилганлиги; динамик параметрларни қабул қилувчи ускуналарининг бўлиши; масала ечими аниқ бошланғич маълумотларга мос чиқиш маълумотларини тақдим этиш учун ортиқча назарий ва амалий билимларни талаб қилмаслиги;

- масала ечимини олишнинг кўп вариантли усуллар билан қўллай олиниши; лойиҳанинг озгина ўзгариши янги масаланинг ечими ёки жорий масаланинг ечими бўлишлиги бўйича таҳлил қилиш;

- динамик параметрларга хос янги ускуналар қўшиш имконияти бўлиши; шахсий янги ускуналарни яратиш ва фойдаланишга жорий қилиш имконияти; масала натижасини реал кўриш, ечимининг ижросида фаол иштирок этиш.

Бугунги кунда юқорида келтирилган ПДВларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамма дастурларда турлича бўлиши мумкин. Аммо ўргатиладиган фаннинг ўзига хос хусусиятларини ҳам инобатга олиш керак. Шунинг учун физика, математика, кимё фанлари учун бундай ПДВларни жуда кўплаб келтириш муумкинки, уларда бундай ускуналар ва юқорида келтирилган ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Ахборот технологиялари таълимига оид “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг ўзига хос масалаларни ечиш ускуналари, масаланинг ечимини лойиҳа сифатида сақлаб қолиш, лойиҳани давом эттириш, ўзгартириш, натижаларни файлда сақлаш, тажрибаларни ўтказиш имкониятини берувчи ПДВлар мавжуд.

Уларга Scratch, UdeMy, Научиться программированию, Lrn, Swift, Swift Playgrounds, Codemurai, Grasshopper, Javvy каби дастурларни мисол қилиб олиш мумкин. Аммо, бу дастурлардан фойдаланувчи интерфейси ўзбек тилига асосланмаган. Бу эса, ўз навбатида Республикамизда умумтаълим мактаб ўқувчиларининг назарий ва амалий билимларни ўзлаштиришга бўлган катта тўсиқлардан ҳисобланади.



3-расм. Ахборот технологиялари таълимида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантириш ва аниқлаш модели.

ПДВларнинг мақсад ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг синфларини 4 гуруҳга ажратдик.

1.Билим беришга йўналтирилган ПДВлар. Асосан назарий материални тақдимотли қилиб ўқувчиларга кўрсатиш ва эсда сақлаб қолиш, тасаввур қилишига имкон берувчи ПДВлар қиради.

2.Билимни аниқлашга йўналтирилган ПДВлар. Ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини аниқлаш учун тест, ребус, кроссворд, турли ақлни чархловчи ва мантиқий машқлар, топшириқларнинг автоматлашган вариантини ўз ичига олган ПДВлар қиради.

3.Амалий топшириқларни бажаришга йўналтирилган ПДВлар. Ўқувчилар томонидан аниқ бир топшириқни бажариш кетма-кетлигини белгилаб, уни бажариш жараёнини бошқарадиган ПДВлар қиради. Одатда буларга тренажёр, виртуал лаборатория стендлари, имитацион ва интерактив ПДВлар қиради.

4.Таълим ресурсларини яратишга йўналтирилган ПДВлар. Анъанавий ва масофали таълим учун электрон китоб, электрон дарслик, видео курслар, тақдимот материаллари, луғатлар ҳамда сайтлар қиради. ПДВнинг бу синфларидан алоҳида ва биргаликда дарс жараёнида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, бир конструктор ёки дастурлаш тилига асосланган инструментал дастурлар асосида бир нечта синфга тегишли ПДВларни яратиш мумкин.

Интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш ва аниқлаш учун 1, 2, 3 – синфларга кирувчи ПДВлардан фойдаланиш тавсия қилинади (4-расмга қаранг.



4-расм. ПДВ синфларининг интеллектуал салоҳиятга боғлиқлиги.


Умумтаълим мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган ПДВларни яратиш дастурлари ва уларнинг имкониятлари ўрганилиб ва ПДВларни яратиш дастурлар хусусиятлари бўйича солиштирма жадвал ишлаб чиқилди.

Мантиқий, интеллектуал ва бошқа ўйинлар ўқувчиларни ўқитиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш мумкин. Улар катталар учун маҳорат ва самарадорликни ошириш бўйича тренингларда, семинарларда кенг қўлланилади. Чунки улар дарҳол олинган билимларнинг амалий фойдаларини кўришга имкон беради.

Онлайн ўйинлар, онлайн флеш-иловалар сифатида бажарилган баъзи ўйинлар, топшириқ ва вазифаларни таклиф қилади, ҳамда қулай бўлишдан

ташқари, барча ёшдаги ва турли хил кўникмаларни ўргатадиган мантикий ўйинлар мажмуасидир.

Интеллектуал салоҳиятни аниқлашнинг методикасини ишлаб чиқишда 9-синфларда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан дарсларда якка ва кичик гуруҳли ёндашув асосида ўқитиш методикасини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнини 5 - расмдаги схема асосида тасвирланди.



5- расм. Дарсларда интеллектуал салоҳиятни аниқлашнинг якка ва кичик гуруҳли ёндашиш ва фойдаланиш методикаси жараёнининг схемаси.

ПДВларнинг синфлари, интерфейс тили ва ўқитувчи учун махсус тайёргарлик хусусиятлари бўйича уларни яратиш дастурларининг солиштирма таҳлили асосида қарор чиқариш учун қуйидаги мезонларни келтирамиз:

1. Агар ПДВнинг интерфейси ўзбек тилида бўлса, жуда яхши (1), акс ҳолда жуда ёмон (0) бўлсин. Бу мезонни *a* билан белгилаймиз.

2. Ўқитувчининг махсус тайёргарлиги шартмас бўлса (1), шарт бўлса (0) каби белгилаб олиб, уни ҳам кўпайтириш амали ёрдамида киритамиз. Бу мезонни *z* билан белгилаймиз.

3. Агар ПДВнинг синфига тегишли бўлса (1), акс холда (0) ва синфга тегишлилигини йиғиндисининг ўрта арифметигини оламиз. Бу мезонда $x_i, i = 1 \dots 4$ – мос синф рақами, $X = \frac{1}{4} \sum_{i=1}^4 x_i$ билан белгилаймиз.

Республикамизнинг умумий ўрта таълим мактабларида ПДВларнинг хусусиятларидан фойдаланиб, қўллаш кўрсаткичини U деб номлаб, қуйидагича ҳисоблашни таклиф қиламиз:

$$U = a * X * z$$

Юқорида келтирилганлар асосида U – ПДВни қўллаш кўрсаткичини ҳисоблаш асосида My Test ва Scratch дастурларидан фойдаланишни тавсия қилиш мумкин.

Интеллектуал салоҳиятни аниқлашнинг яқка ва кичик гуруҳли ёндашиш ва фойдаланиш методикасини 9 – синфнинг 23 – дарси “Амалий машғулот. Такрорланувчи алгоритмлар” мавзусини дарс ишланмаси орқали яратилди. Унда, ташкилий қисм (2 дақиқа), уйга вазифа ҳамда ўтилган мавзуни такрорлаш (2 дақиқа), янги мавзуга замин тайёрлаш (3 дақиқа), асосий қисмлар яқунланганидан сўнг, яқка ишлаш (15 дақиқа) қисмида топшириқ бажариш босқичи мавжуд.

Ушбу босқичида файлдаги берилган топшириқларни бажариш ва лойиҳа сифатида жорий папкада сақлаш талаб қилинади.

1-жадвал.

Топшириқ													
Берилган N гача бўлган бутун сонларнинг 5 га қарралиларининг йиғиндисини ҳисоблаш алгоритмини тузинг.													
Тестлар вариантлари													
Кириш маълумотлари					Чиқиш маълумотлари					Натижанинг тўғрилиги			
30	10	52	101	15	105	15	275	1050	30				

Бу топшириқни бажариб ўқувчи 6-расмда тасвирланган алгоритмни олади.

Берилган 2-топшириқ ҳам шу каби бажарилади. 2 та топшириқни бажариш учун ўқувчига жами минимал 5 дақиқадан 7 дақиқагача вақт ажратилади. Бажарилган топшириқлар жорий дарс папкасига жойлаштирилади.

Интеллектуал салоҳиятни аниқлаш босқичида ўқувчиларга 3 та лойиҳа файли ва мос равишда вазифа берилган бўлади. Ўқувчи берилган лойиҳани очиб киритиши керак бўлган ўзгаришни топиши керак. Бунда берилган ўзгартиришни вазнлиларидан



6-расм. Топшириқ алгоритми.

фойдаланилади. Бу берилган вазифани бажаргандан сўнг 6-расмда тасвирланган алгоритм ҳосил бўлади. Шундан сўнг, мустаҳкамлаш қисми (якка ишлаш босқичини тугатиш) (1 дақиқа), кичик гуруҳларда ишлаш (15 дақиқа) қисмига ўтилади ва унда топшириқни бажариш босқичи бошланади. Тегишли файлда берилган топшириқларни бажариш ва унинг лойиҳасини жорий папка ичида сақлаш талаб қилинади. Юқорида берилгани каби топшириқларни кичик гуруҳларга ажратилган ҳолда бажарилади.

Математик–берилган топшириқнинг математик таъминотини яратади. Алогритмловчи –алгоритм учун керакли бўлган ўзгарувчи ва такрорланиш жараёнларини жойлаштиради. Тестловчи – дастлаб кириш маълумотларини тайёрлайди ва математик таъминоти асосида чиқиш маълумотларини тайёрлайди. Ўқувчилар вазифаларни бажариб, жорий папканинг ичига янги яратилган алгоритмларни сақлаб қўяди.

Шундан сўнг, мустаҳкамлаш қисми, баҳолаш қисми (2 дақиқа), уйга вазифа ва хулосалаш (2 дақиқа) қисмлари тугатилади. Ушбу ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантириш ва аниқлаш учун таклиф этилган модел, схема ва дарс ишланмасида акс эттирилган методикани бошқа дарсларда ҳам жорий қилиш мумкин.

Диссертациянинг учинчи боби «**Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг самарадорлиги**» деб номланган бўлиб, ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантириш ва аниқлашга бағишланган тадқиқот ишларини ўтказиш қуйидаги 2014-2016 йиллари аниқлаш, 2017-2018 йиллари излаш, 2019-2020 йиллари ўқитиш тажрибаси босқичларда Бухоро, Навоий ва Андижон вилоятларида амалга оширилди.


Аниқлаш босқичида танланган умумтаълим мактабларнинг 9-синфда ўқитилаётган “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг “Алгоритмлаш асослари” боби ўқув материаллари мазмуни; назарий ва амалий дарс машғулотларини ўтказиш услубиёти; салоҳиятни шакллантириш ва аниқлашнинг қўллаш усуллари ва услубларининг жорий қилинганлиги; топшириқлар мазмуни ва мажмуаси, ПДВларни ишлаб чиқиш услублари ва фойдаланиш методикаси кўриб чиқилди.

Изланиш босқичида умумтаълим мактабларнинг моддий-техник базаси, ўқитувчиларнинг компьютерли таълим ва ПДВлар билан боғлиқ билим, кўникмалари даражаси аниқланди. Шунингдек, мақсад ва вазифалар билан боғлиқ илмий-назарий, амалий саволларга жавоб изланди, тадқиқот мавзусига доир адабиётлар билан танишиб, тадқиқот масалалари ва ишчи фараз белгиланди.

Ўқитиш тажрибасининг мақсади изланиш босқичи натижалари, таклиф қилинаётган топшириқларни ишлаб чиқиш механизми ва Scratch дастури, улардан фойдаланиш методикасининг самарадорлигини аниқлаш учун ўқувчилардан олинган топшириқларининг натижалари ҳам миқдорий, ҳам сифат бўйича таҳлил қилиш учун тажриба ва назорат гуруҳлари ўқувчиларининг ўзлаштиришларини қиёслаш ва натижалари математик статистика (Стьюдент мезони) усулидан фойдаланилди.

Педагогик тажрибанинг назарий ва амалий дарслар бўйича умумий статистик таҳлили

Кузатилган	гурух	N	5	4	3	2	Баҳонинг ўртачаси	Ишончлилиқ оралиғи	Самарадорлиқ
Андижон	Тажриба	339	203	113	23	0	4,5310	0,0148	1,1446
	Назорат	339	97	141	91	10	3,9587	0,0118	
Навоий	Тажриба	417	214	158	43	0	4,4005	0,0114	1,1330
	Назорат	413	115	149	135	14	3,8838	0,0094	
Бухоро	Тажриба	490	251	184	52	3	4,3939	0,0096	1,1549
	Назорат	491	117	186	163	25	3,8045	0,0078	
Умумий	Тажриба	1246	668	455	118	5	4,4334	0,0038	1,1447
	Назорат	1243	329	476	389	49	3,8729	0,0031	



7-расм. Умумий статистик таҳлилининг диаграммаси.

Шундай қилиб, умумий статистик таҳлиллар асосида натижалар асосида олинган ўзлаштириш самарадорлиғи бирдан катталиғини ($\eta=1,447>1$) кўриш мумкин. Бундан маълум бўлдики тажриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳидагилардан юқори экан. Демак, тажриба гуруҳларидаги ўқувчилар билан Ахборот технологияларига оид “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан назарий ва амалий дарсларни ўтказишда Scratch ПДВсини қўллаш, вазнли ва шажарали топшириқлар асосида якка ва кичик гуруҳда ишлаш ҳамда ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлашга йўналтирилган методика яхши натижа бериши тажриба-синов натижаларидан яққол кўриниб турибди.

Математик статистик таҳлил натижаларидан хулоса қилиб айтиш мумкинки, тажриба гуруҳларида қўлланилган методик таъминот, Scratch ПДВси ва фойдаланиш синов методикаси самарадорли бўлиб, ўтказилган тажриба-синов таҳлиллари уни Республикамиз миқёсида оммалаштиришга асос яратди.

ХУЛОСАЛАР

Ахборот технологиялари таълимида интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлаш методикаси бўйича олиб борилган илмий изланишлар қуйидаги хулосалар қилиш имконини берди:

1. Умумтаълим муасасаларида ўқувчиларнинг фан бўйича интеллектуал салоҳиятини шакллантириш ва аниқлаш ўзига хос методик ёндашув талаб қилади, шунингдек, педагогик дастурий воситаларни яратиш ва фойдаланиш 3 гуруҳга, дарс босиқичларида фойдаланиш ва мақсадга асосланиб 4 синфга ажратилди.

Дастурий воситаларининг интерфейси, ўқитувчининг махсус тайёргарлик даражаси ва синф хусусиятлари асосида умумтаълим мактабларида фойдаланиш учун самарали ПДВни танлаш услуги ишлаб чиқилди.

2. Интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлаш учун ПДВларнинг ўзига хос хусусиятлари, ПДВларнинг компьютер техникаси (электрон қурилма) ва операцион тизимга бўлган талаблар, ўқитувчи ва ўқувчиларга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди ва унинг алгоритмлашга оид ускуналари ва имкониятлари ўқувчиларга мослиги асосланди.

3. Интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлаш учун топшириқларни яратиш услуги ишлаб чиқилди. Унда топшириқлар вазни ва шажарали бўлиши ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳияти учун муҳим унсур эканлиги аниқланди.

4. 9-синфнинг 21-23 амалий дарслар мисолида интеллектуал салоҳиятни шакллантиришнинг ва аниқлашнинг яқка ва кичик гуруҳли ёндашиш ва фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан назарий ва амалий дарслар учун илмий-методик асосланган топшириқларни тузиш услублари ва Scratch педагогик дастурий воситаси асосида ўтказиш амалий жиҳатдан синаб кўрилди.

5. Назарий ва амалий дарслар учун таклиф этилган вазни ва шажарали топшириқлар, Scratch ПДВдан фойдаланиб, Яқка ва кичик гуруҳларда таълимни ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш амалиёти ва унинг самарадорлигини ўрганиш мақсадида педагогик тажриба-синов ишлари ўтказилди. Тажриба натижалари математик статистика методлари ёрдамида қайта ишланганда тажриба гуруҳи ўқувчиларининг ўзлаштириши назорат гуруҳига нисбатан ўртача 14% бўлганлиги аниқланди.

Таклиф ва тавсиялар:

1. Ахборот технологиялари таълимига оид фанлар ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлашнинг энг оммавий усуллари ўйин технологияларига асослангандир. Аммо фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича табақалашган ўйинларни яратиш ва жорий қилиш ўқитувчининг зиммасига кўп иш юклайди, шунинг учун интерфейслари ўзбек тилида бўлган, онлайн ва офлайн режимларда ишловчи инструментал педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш ўқитувчилар учун самарали деб ҳисоблаймиз.

2. Умумтаълим мактаб битирувчиларига ахборот технологиялари таълими асосида ахборот олиш ва фойдаланиш кўникмаси билан бирга Рақамли Ўзбекистон концепциясида назарда тутилган бўлажак касб-ҳунарга эга бўлиш талаблари қўйилган. Бунинг учун эса, ўқувчиларнинг билимларига математика, тилларни билиш, рақамли саводхонлик, вақтни бошқариш, жамоада ишлаш қобилияти ва мантиқий фикрлашга асосланган интеллектуал салоҳиятни шакллантириш лозим. Ишлаб чиқилган услуб асосида умумтаълим мактабларининг ахборот технологиялари таълимига оид фанда интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва аниқлаш учун Scratch дастуридан фойдаланиш тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 ПРИ КАРШИНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

МУРОДОВА ЗАРИНА РАШИДОВНА

**МЕТОДИКА ФОРМИРОВАНИЯ И ОПРЕДЕЛЕНИЯ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ ПОТЕНЦИАЛА В ОБРАЗОВАНИИ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ (на примере
общеобразовательных учреждений)**

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (информатика)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФСКИХ НАУК (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Карши – 2021 год

Тема диссертации доктора философии наук (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/Ped 978

Докторская диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.vocedu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель: Муминов Баходир Болтаевич
доктор технических наук, (DSc), профессор

Официальные оппоненты: Хамидов Жалил Абдурасулович
доктор педагогических наук, профессор
Узаков Зоир
кандидат физико - математических наук, доцент

Ведущая организация: Гулистанский государственный университет

Защита диссертации состоится «10» 09 2021 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению учёной степени PhD.03/04.06.2020.Ped при Каршинском государственном университете (адрес: 180100, г. Карши, ул. Кучабог, 17.Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+99875) 221-00-56, e-mail: kardu@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована за № 54). Адрес: 180100, г. Карши, ул. Кучабог, 17. Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+99875) 221-00-56

Автореферат диссертации разослан «09» 09 2021 года
(протокол рассылки № 7 от «09» 09 2021 года)



Р.Д.Шодиев

Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.п.н.,
профессор

И.Б. Камолов

И.Б. Камолов
учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней,
доктор философии (PhD) по
педагогическим наукам, доцент

Х.О. Жураев

Х.О. Жураев
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
учёных степеней, д.п.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Мировой научно-технологический прогресс демонстрирует важность интеллектуального потенциала людей в управлении социально - экономическим развитием страны и определении ее будущего. В то же время, нынешнее состояние развития науки в мире, особенно в обществе, где широко внедряется образование молодежи, требует быстрого обновления знаний в различных областях, быстрого приобретения знаний, а также регулярного и самостоятельного поиска для получения знаний. В частности, важное значение имеет широкое применение достижений информатики и информационных технологий во многих областях для поиска теоретических и практических решений проблем виртуализации образовательных услуг и создания перспективных образовательных мегапорталов, развития интеллектуального потенциала студентов в направлениях точных и естественных наук, указанных в Инчхонской декларации и Программе действий по развитию международного образования «Образование 2030»².

Основное внимание уделяется ряду дидактических особенностей и факторов развития интеллектуального потенциала студентов в системах ведущего образования, признанных международным сообществом. Важную роль в этом играет организация и проведение обучения с учетом интересов, мировоззрения, интеллектуального потенциала и индивидуальных способностей учащихся. В частности, современное педагогическое программное обеспечение создает широкий спектр возможностей для формирования интеллектуального потенциала в общем среднем образовании, эффективной организации процесса идентификации, практического применения современных информационных технологий в области фундаментальных, точных и естественных наук. Педагогические программные средства служат для развития у учащихся таких качеств, как творческое мышление, креативность, память, инициативность.

В рамках масштабных реформ в системе образования нашей страны осуществляется ряд позитивных изменений в системе непрерывного образования, в частности, практическая работа по широкому и эффективному использованию цифровых технологий и средств коммуникации. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан указана приоритетная задача «углубленное изучение других важных и востребованных предметов, таких как информатика, математика, физика, химия, биология»³. Для выполнения этой задачи важно развивать национальные школы программирования за счет повышения количественного

²Education 2030: Incheon Declaration and Framework for Action Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all.http://uis.unesco.org/sites/default/files/documents/education-2030-incheon-framework-for-action-implementation-of-sdg4-2016-en_2.pdf

³Постановление Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, статья 70.

и содержательного качества компьютерных программ на государственном языке и усиления конкуренции в области информационных технологий. В связи с этим требуется формирование и укрепление системы необходимых и достаточных знаний и навыков в области информатики и информационных технологий, формирование и выявление их интеллектуальных способностей, разработка методов использования педагогического программного обеспечения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, поставленных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», ПП-5264 от 29 ноября 2017 года «О создании Министерства инновационного развития Республики Узбекистан», ПП-5313 от 25 января 2018 г. «О мерах по кардинальному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования», Решению Президента Республики Узбекистан ПП-5099 от 30 июня 2017 г. «О мерах по кардинальному совершенствованию условий для развития области информационных технологий в Республике», Постановлениях Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан - 2030» и мер по ее эффективной реализации», «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», ПП-5712 от 29 апреля 2019 года «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» и других нормативно-правовых актах.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с направлением развития науки и техники республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В целях совершенствования системы образования в республике и Содружестве проведен ряд научных исследований. В частности, теоретическо-методологические и методологические основы развития и совершенствования учебного процесса по направлению «Информатика и информационные технологии» отражены в работах ученых-исследователей из стран СНГ как С.В. Зенкина, И. Захарова, Е. Полат, И. Роберт, А.В., В.Г. Климов, С.А. Бешенков, А. Гайн, А. Горячева, С. Григорьев, В.А. Каймин, М.П. Лапчик, А. Лесневский, Н.В. Макарова, И.П. Подластый, И.Г. Семакин и О.В. Урсова, которые способствовали становлению информатики как науки. Учеными нашей республики проведен ряд исследований по проблемам преподавания информатики и информационных технологий в системе непрерывного образования. В этой области значимы исследования ученых как А.Абдукодиров, М.М.Арипов, Ф.Зокирова, Н.Тайлоков, С.Гуломов, У.Юлдашев, К.Олимов, Р.Бокиев, А.Сатторов, А.Хайитов, Б.Б.Муминов, У.И.Иноятов, Ш.Э.Курбонов, Р.Х. Джураев, М.А. Файзиев и др.

В зарубежных странах в научных школах таких ученых, как L.Harvey, S. Shaw, R.Walraven, F.Vendkefer, P.D.Mitchel проведены исследования важности и специфики электронных информационных ресурсов в образовании.

